

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 75 (6817)  
1997 йил 27 сентябрь шанба

Сотувда эркин  
нархда

Укамнинг исми Жасурбек. Куни-кушнилари, қариндош-уруғлар, уртоқлари ва ҳатто узимиз ҳам унинг тулик исмини айтмай, оддийгина қилиб Жасур деб чақирамиз. Шу йилнинг ёз ойларида у ён қушнимиз Элдор билан уйнар эди. Мен эса Элдорнинг опаси Марям ва бошқа дугоналарим билан суҳбатлашиб утирар эдик. Жасурга Элдорнинг «Lego»си ёқар эди. У бу уйинчоқдан ҳар хил самолёт, машина ва куплаб бошқа нарсалар ясаб Элдорга курсатиб, нималарнидир га-

бақирди. Мушаклар тугагач, уйга қайтиб келдик. Жасур жуда чарчаган экан, бир зумда ухлаб қолди. Эрталаб Жасурга бугун 1 сентябрь—Мустақиллик куни, ҳозир ҳамма байрам утказаяпти» дедим. У эса «Мустақиллик майдонига борайлик», — деб оёқ тираб туриб олди. Шундай қилиб биз яна Марям, мен, Элдор ва Жасур байрамга чиқдик. Жасур қулимдан тортиб, ҳамма нарсани қули билан курсатиб: «Бу нима, бу нима», — деб сурар эди. Жасур Мустақиллик байрамидан куп таасуротлар олиб қайтганди. Уйга

## Хайрат

дим. Бир маҳал 1-синфлар даврага таклиф қилинганди, болалар иккитадан қул ушлашиб, қатор булиб ута бошлашди. Атрофимдаги дугоналаримга «Анови сариқкина бола менинг укам», — дедим. «Вой, укамг ширин-

Ёз буйи негадир синфдошларимни соғиниб яшадим. Улар билан хаёлан суҳбатлар қилдим. Бу фикримни онажонимга айтсам, уртоқларингни соғинибсан-да, — дедилар. Балки соғингандирман. Бизнинг синф уқувчилари

## Соғинч

ва меҳрибон муаллимларимиз турли фанлардан сабоқ берадилар.

Менга айниқса тарих ўқитувчимиз Меҳри опа Холмуродованинг бераётган сабоқлари катта мактаб бўлмоқда. Опанинг қалблари доимо қувончларга тулиб юради. Ҳар бир уқувчи билан дилдан суҳбат қиладилар. Меҳри опанинг устозлик меҳрлари, муаллимлик услублари бизларни сеҳрлаб

## ГУДАКЛИКДАН—

## БОЛАЛИККА ҚАДАМ

пирар ва иккаласи қиқир-қиқир кулишар эди.

Жасур шу йил мактабга боради, деб дадам керакли барча уқув қуролларини олиб келувдилар. Укам хурсанд булиб сумкасини орқасига илиб, уёқдан-бу ёққа юрар, ҳар замон менинг енимга келиб: «Опа, мактаб қачон бошланади», — деб сураб қуяр эди. Мен эса: «Мустақиллик байрамига чиқиб келганингдан кейин», — деб жавоб қайтарар эдим.

Мана, 31 август ҳам ҳашпаш дегунча етиб келди. Кечқурун мен, Марям, Элдор ва Жасур айланиб келишга чиқдик. «Эртақлар олами» дам олиш хиебонига бордик. У ерда ҳар хил ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа ширинликлар еб дам олдик. Элдор билан Жасур эса аргимчоқ учишди ва сал кейинроқ майдонда отилган мушаклар порлай бошлади. Жасур қувониб кетди. «Ура, ура» деб

келиб ойимларга, дадам ва Уткир деган укамга курган кечирганларини терисига сиймай шошиб-пишиб сузлар ва гапининг орасида тухтаб, менга қараб кулиб қуярди. Куни билан эса Элдор ва Жасур байрамда курган кечирганларини бир-бирига сузлаб, уйнашар эди. Кечқурунги мушакни Жасур Уткир акаси билан уйда, аниқроғи томнинг устига чиқиб курди ва мени ҳам енига-томга чиқиб куришга чақирди.

Бугун иккинчи сентябрь. Жасур ҳаяжонланар ва тезроқ булинглар кеч қоламиз, деб ҳаммани шошилтирарди.

Мана Абдулла Авлоний номидаги 40-урта мактабнинг қучоғига кириб келар эканмиз, айниқса 1-синфга келган болаларнинг ота-оналарининг куплиги одамни ҳайрон қолдирарди. Жасур билан ойим ҳам ушалар қаторида туришарди. Мен эса 10-синфларнинг орасида уларни кузатар-



тойгина экан», дейишганида жуда қувондим. Жасур эса атрофга, атрофдагиларга ҳайрат билан қараб борарди.

Укам мактабдан келганида, узини аввалгидай эрка сезмас, катта булиб қолгандай тутди. Ҳа, у энди гудакликдан болаликка оҳиста қадам куйган эди.

**Шахноза МУҲАММАДИЕВА,**  
Тошкентдаги  
40- мактаб ўқувчиси

бир-бирлари билан жуда ҳам аҳил. Синфдошлар даврасидаги шўх-шодон кунларимизни, меҳрибон устозлар меҳрларини соғиниш ҳам улкан бахт экан.

Мактаб ҳовлисига кириб борар эканман, тонгги субҳидам саболари мени ширин хаёлларга, келажак орзуларига, қуш каби парвозга чорлайверади. Ҳар куни мактаб партасида бизга азиз

## МАКТАБИМ— ЖОНАЖОН МАСКАНИМ

олган десам адашмасман. Чунки Меҳри опада онанинг меҳрли нигоҳларини, донишманд устознинг уғитларини курамин-да. Синфимиз қизлари Меҳри опага ҳавас қилиб, куплари ўқитувчи бўлмоқчи. Мусиқа ўқитувчимиз Рустам Тошев мусиқа фанидан берган сабоқларидан миннатдоримиз. Рустам ака мусиқамиз тарихи билан таништириб, янги-янги бастакор ва созандалар ижоди билан юртимизда санъатнинг ҳар жанри ҳақида маълумотлар бериб борадилар. Мен мактабимиз билан жуда фахрланаман. Мактабимизда спорт заллари, ошхона, компьютер хоналари ўқувчилар хизматида. Мактаб атрофи тоза, шинам, боғроғларга айлантирилган.


**Райхон АБДУЛЛАЕВА,**  
Қашқадарё вилояти  
Яккабоғ туманидаги 74-  
мактаб ўқувчиси

## ИБРАТЛИ СУҲБАТЛАР

Луқмони Ҳакимдан сурадилар:

- Энг доно ким?
- Ҳаёт қийинчиликларидан гамгин булмаган киши.
- Энг яхши бойлик нима?
- Ақл.
- Қайси ут уз ўқувчисини куйдиради?
- Ҳасад ути.

— Қандай бино вайрон бўл-



- майди?
- Адолат биноси.
- Қайси аччиқ нарсанинг охири ширин?

## Табдил

- Сабрнинг.
- Ниманинг охири аччиқ?
- Шошқалоқликнинг.

## Ibratli suhbatlar

- Luqmoni Hakimdan so'radilar:
- Eng dono kim?
- Hauot qiyinchiliklaridan g'amgin bo'lmaydigan odam.

- Eng yaxshi boylik nima?
- Aql.
- Qaysi o't o'z yoquvcinisini kuydiradi?
- Hasad o'tu.
- Qaysi bino vayron bo'lmaydi?
- Adolat binosi.
- Qaysi achchiq narsanang oxiri shirin?
- Sabrning.
- Nimaning oxiri achchiq?
- Snoshgaloglikning.
- M.MURODOVA tayyorladi



# БОЛА ҚУВОНЧИДАН ЁРИШАР ОЛАМ

## РИВОЯТ

Қадимда ривоят қилишларича, подшоҳлар ҳам шўхрати жаҳонни титратган фотиҳлар ҳам бирор хайрли ишга қўл уришдан олдин гўдакнинг — ёш боланинг дуосини олишар экан. Чунки бегубор, покиза қалбдан чиқайтган самимий тилакларни яратган ўз даргоҳида қабул қиларкан. Ахир боланинг қалбидай покиза, тоза қалб бу оламда борми? Шунинг учун гўдакнинг дуоси қабулдир. Боланинг илтижоси сўзсиз мустажобдир, дейишди. Зеро, боланинг дуосида умид бор, ишонч бор. Бу дуога у ўзининг мурғак қалбидаги орзуларини, хайратларини мужассамлаштирган бўлади. Бобомдан эшитганим бир ривоят бот-бот эсимга тушади. Подшоҳ кўчада кетаётса бир бола кўмдан қаср ясаб турган экан. Шунда шўх боладан:

— Қасрингни сотмайсанми, ўғлим, — деб сўрабди.  
 — Сотаман. Лекин барибир олмасаниз керак. Чунки қасрим жуда қиммат туради. Нархи 50 минг тилла, — деб жавоб берибди у.  
 — Мана ўғлим, 50 минг тилла бўлса, 50 минг тилла-да. Олақол.  
 — Не, савдолашмадингиз-ку, амаки, — дебди зийрак болакай.  
 — Менга қасринг жуда маъқул келди. Шунинг учун савдолашиб ўтирмадим Мени чин дилдан бир дуо қилсанг бўлди, ўғлим, шунинг ўзи бас, — дебди шўх.  
 — Хўп, — дебдию бола шўхни юракдан алқабди, чин дилдан дуо қилибди. Подшоҳ шу кун саройга келиб ухласа тушида жаннат боғларида сайр қилиб юрганмиш. Боши устида хурлар ўлан айтармиш. Шунда қаршисида оппоқ кийимли, Хўжайи хизр ҳозир бўлибди-ю, унга: «Эй, бўтам сенга беҳишт муборак! Элик тиллога етти беҳиштнинг савобини харид қилдинг. Парвардигори олам сенинг шу сониягача қилган жамийки гуноҳларингни авф этиб, сенга жаннатни насиб қилди», — дебди.

Тунов куни кўчада кетаётиб жажжигина, оппоқ либослари узига ярашган, қўлларида каттакон гулдаста кутарганча чопқиллаб кетаётган бир қизалоққа дуч келдим. Қизалоқнинг қорачигларида қувонч порларди.

— Мактабга шошиляпсанми, нечанчи синфга ўтдинг? — сўрадим ундан. У эса бийронгина тиллари билан: «Ҳа, мактабга боряпман. 1-синфга ўқийман», — деб жавоб берди.

— Исмнинг нима, қизалоқ?  
 — Раъно.  
 — Вой-буй портфелларинг бунча чиройли, Раънохон. Ким олиб берди?  
 — Президентимиз Каримов менга совға қилдилар. Яна-чи, ичида дафтарлари, қаламлари, ҳатто чизгичу, учиргичлариям бор.

Қизалоқ севинчи ичига сигмай тинимсиз мақтанарди. Дунёда ундан-да бахтиёр одам йўқ эди, гўё. Гарчи радиода эшитган, телевизорда курган бўлсамда, бу саховатнинг шу қадар қувончли эканлигини унчалик ҳис қилмаган эканман.

— Қайси мактабда ўқийсан, Раъно қиз?  
 — Ана бизнинг 59-мактаб...  
 Бу ажойиб янгилик ҳақида янада яхшироқ билиш, болажонларнинг чексиз қувончига бир лаҳза булса-да, шерик бўлиш мақсадида қизча курсатган мактабга кирдим.

— Бу йил мактабимизга 86 та ўқувчи қабул қилдик. Ва шуларнинг ҳаммасига янги портфель ва 12 хил ўқув жиҳозлари совға олдик, — дейди мактаб директори Санобархон опа Омонова.

Мустабид тузум давридаги «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» шиори остида қорақуз болакайларнинг оддийгина им-

кониятдан ҳам маҳрум бўлиб яшаганликлари, қон-қонларига зулм билан сингдирилган уша фаровон ҳаёт ҳақидаги баланд парвоз мадҳияларнинг совуқ сардорлари қулоғим остида жаранглагандек бўлди. Мана бугун истиқлол шарофати билан юрт-

армонларини тумандек тарқатиб юборди.

— Республикамиз буйича вилоятларга жами 640 минг донга шундай портфеллар ва ўқув жиҳозлари 1-синфга қабул қилинган болаларга совға сифатида тарқатилди. Ана энди октябр ойидан бошлаб республикамиздаги иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг болаларига бепул иссиқ кийим-бошлар ва кишики пойфазаллар тарқатишни бошлаймиз, — дейди Республика Халқ Таълими Вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландом Алимova.

Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 1-синфга қабул қилинган, кам таъминланган оилалар болаларининг ҳаммасига банкда ҳисоб рақамлари очилган омонат дафтарчалари совға қилинди. Бу омонат дафтарчаларини болажонлар улғайиб 18 ёшга тулганларида олиб уз эхтиёжлари учун ишлатишлари мумкин.

Мактаб остонасига илк бор қадам қўйиб илм нурларидан завқ билан баҳраманд бўлаётган бахтли болажонларнинг юзларидаги покиза хайратни, дунёларга сигмайдиган қувончли курарканман, бу муқаддас Ватанинг, кўҳна Туронзаминнинг келажаги ёруғ, эртаси бугундан-да яхшироқ бўлишига қалбақ иймон келтирдим. Хайратларингдан айланай сенинг Болажон!!! Сенга ҳавасим келади. Узинг билан бирга ОЗОДЛИКНИ, ХУРЛИКНИ улғайтириб бораётганинг, осмон қадар юксалтириб яшаётганинг сенга муборак бўлсин! Келажак сари ташлаётган дадил қадамларингга ҳеч қачон гард юқмасин!

**Санобар МЕҲМОНОВА**



Илгари мактабларга борсангиз, тургиси, ўқитувчи билан юқори синф ўқувчисини ажратолмай қолардингиз. Сабаби, уларнинг кийимлари уртасида унча фарқ булмасди.

Тонгда Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Фурқат номли 196-урта мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашиб ниятида йўлга отландим.

Мактаб утган йили узим курган ва мақола ёзганим-даргоҳ-

дан кескин фарқ қиларди. Бино атрофида юрган ўқувчилар ҳам уларнинг одоби-ю, кийимлари билан кузга ташланарди. Уларга қараб беихтиёр ҳавасим келди, болалигим ёдга тушди. Мени раҳбарлардан бири Нигора Аҳмедова қарши олиб, 1-«А» синфига бошладилар. Киришимиз ҳамон болалар урниларидан туриб парталар ёнида саф торганча бир овоздан салом бердилар. О, мурғак болалик! Қанийди юқори синфгача сендаги бокиралик, одобни лоақал шу даражада тугиб тура олсанк!..

Эсимда... бизнинг синфимиз бошқа синфларга қараганда анча шўхроқ эди. «КАТТА БУЛГАНИНГДА КИМ БУЛМОҚЧИСАН?» — деб сурасалар купчилигимиз «Музқаймоқ сота-

диган буламан», — дея шартга жавоб берардик. Камна ҳам бу фикрдан мосуво эмас эди...

Болалар билан суҳбат чоғида шу саволни — устозимизнинг биз шўх, уйинқароқ болаларга қизиқиб берадиган уша саволларини такрорладим. Тавба, болаларнинг кунгилларига қўз ташлайман. Лекин бирорта бола болакайлардай пайдарпай жавоб айтмади. Бир зум уйланиб қолишди. Уларнинг уйлаётганлари кузларидан билиниб

турарди. Улар бугундан кура эртани уйлаётганга ушардилар. Ҳа, бу болалар бизнинг болалигимиз утган даврининг эмас, озошликнинг болалари, деб жавоб топаман узимча саволларимга...

Синфга кирган кишининг диққатини болажонларнинг сумкаси-ю, ундаги жиҳозлар узига тортади. Курган одамнинг ҳавасини келтирадиган даражада бежирим. Бу жиҳозларни болаларнинг ота-оналари келишиб олгандай бозордан бир вақтда харид қилганга ушарди.

— Болалар, бу чиройли портфелни, ўқув қуролларини қаердан олдингиз? Болалар бараварига чугурлашадилар: «Юртбошимиз совға қилдилар».

— Бу ўқув қуролларини қандай асрамоқ керак болалар?.. Қани Дилноза сен жавоб бер-чи? Бошлангич

таълим ўқитувчиси Нилуфар опа болаларга юзланадилар. Дилноза исмли қизча жавоб бериш учун урнидан туради.

— Озода, йиртмасдан, йўқотмасдан асрашимиз керак. Уни бизга президентимиз Ислом Каримов бобомиз юборибдилар. Дилнозанинг берган жавобидан хурсанд бўлдим. Ҳозиргина жавоб берган қизчанинг ёнида утирган Дибербек исмли бола эса ҳеч ким сурамаса ҳам «Биз уларни ҳаммаша енимизда олиб юришимиз, уларга чизмаслигимиз керак», дея қушиб қўйди.

— Портфелингизнинг ранги бир хил экан. Адаштириб юбормайсизларми? — сўрайман болалардан.

— Йўқ, — дейди Забихилла исмли болакай. — Ҳаммамизнинг сумкамизга узимизнинг исм-фамилиямиз ёзилган.

— Ахир сизлар ҳали ўқишни билмайсизлар-ку...

Синфда бир муддат гала-говур бошланди. Болалар ўқиб бериш учун китобларини варақлай бошладилар. Улар ҳақиқатан ҳам кичик-кичик жумлаларни ўқий оларканлар. «Ахир мактабга келганларига атиги уч ҳафта бўлди-ку?»

Нилуфар опага юзланаман.

— Билмадим, бу йилги болалар жудаям тиришқоқ. Айтганларимни дарров илғаб оляптилар. Уларнинг узлаштиришларини куриб ҳавасим келади...

Шу пайт мактаб кўнгиروي навбатдаги дарс бошланишидан дарақ берди. Улар кейинги дарс—математикага тайёргарлик кура бошладилар. Менинг эса бу бегубор олам билан ҳечам хайрлашгим келмай мактабдан узоклашдим.

**Ҳосият. РУСТАМОВА**

**5 Баҳолар қўнайсин**

— Ойи бугун иккита «5» баҳо олдим, — Ишдан қайтган онажонини қувониб кутиб олган Севара учун бу албатта ҳаяжонли дамлар эди.

— Қани, курсат-чи?!  
 Севаранинг дафтаридан иккита «5» юлдуздай ярақлаб турарди.

Севара Маҳмудова Фарғона вилояти, Учқуприк туманидаги 9-мактабнинг 1-«А» синфида ўқийди.

Мен Севаранинг ўқитувчиси Ҳуснора Умарова билан танишдим. Ўқитувчининг нигоҳида болаларга хос меҳрни куриб хурсанд бўлдим. Негаки, хизматчилик туфайли турли мактабларда буламан. Сир эмас, айрим ўқитувчиларнинг уз касбига иштиёқи сусайгани боис болаларга берилаётган билимларнинг саъзлигидан ҳам огоҳман.

— Ўқувчиларга лотин алифбосини ургатиш қийин булса-я, деб чучиб турган эдик, янглишибмиз. Ўқувчилар боғчаларда олган куникмалари туфайли лотин ҳарфларини тез урганмоқдалар, — деди муаллима.

— 1-синфдагилар соатлаб утиришга қийналаётгандир?  
 — Бундай ўқувчиларимиз ҳам бор албатта. Агарда дарсни қизиқарли ўтсангиз ҳар қандай уйинқароқ болада ҳам дарсга, мактабга куникма-ю, меҳр уйғонади.

— Жажжи ўқувчилар бу йилги ажойиб совғалардан хурсандир-а?  
 — Бундан биз ҳам шодмиз. Ўқув қуроллари, кийим-кечаклар, кам таъминланган оилаларга мадор, ўқийман деб ҳаяжонда турган болаларга чинакам совға бўлди.

— Дарс давомида баъзи ўқитувчилар дарсларини қолдириб бошқа ишлар билан банд бўладилар. Бизга бу ҳақда ўқувчилар хат-хабарлар ёзиб туришади.

— Мактабимизда ўқитувчиларимиз ҳеч қачон ҳужа курсинга дарс утмайдилар. Биз ўқитувчиларни очиқ дарслар орқали назорат қилиб борамиз.

Мен бу суҳбатдан негадир ёришиб кетдим. Озод Ватанимизнинг бахтиёр болалари ҳақиқий билимнинг, имоннинг пойдеворини ана шундай мактабларда, ана шундай мураббийлар орқали яратадилар. Мен бунга ишонаман.

**Маъмура МАДРАХИМОВА**





# Ҳаёт бешигисан — она табиат

*Она табиат жуда сахий ва мўъжизаларга бойдир. Уни асраш, қадрига етиш фарзандлик бурчимиз ҳисобланади. Зеро, у бизга бешик вазифасини ўтайди. Агар унга шафқатсизларча муносабатда бўлсак у ҳам албатта биздан аёвсиз қасос олади. Биз турғунлик деб аталган йилларда: «Табиатдан инъом ва эҳсон кутиб туриш бу аҳмоқликдир, балки ундан тортиб олишга ҳаракат қилиш керак», — деган бемаъни шior остида иш олиб бордик. Бутун жумлаи олам маълум бир ўлчов ва меъёр асосида яратилган, деган қадим ҳикматни унутмаслигимиз лозим. Куйида ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мактубларда ана шу қадим қонуниятнинг, буюк меъёрнинг бузилиши оқибатида келиб чиққан камчиликлар акс этган.*

## ҚАЧОН ТЎЛАСАН, ОРОЛ?

Биз Хоразмда яшаймиз. Мен уз шаҳримни жуда яхши кураман. Айниқса, ундаги осори атиқалар, қадимий обидалар, кўҳна миноралар гуе менга мозийдан афсоналар сўйлаётгандек булаверади.

Яқинда бизни кига тошкентлик қариндошимиз Юлдузхон меҳмонга келди. Мен уни Хивага — Ичон қалъага олиб бордим. Ва бошқа чиройли жойлар: Калта минор, Жонбозқалъа ва Паҳлавон Маҳмуд мақбараларини кўрсатдим. Юлдузхоннинг бизнинг шаҳримизга ҳаваси ортгандан ортиб кетди. Лекин бир куни у Қувонч, нега сувларингиз бунчалик шўр, Тошкентнинг суви шунақа ширинки, асти қуяверасан. Тошкентнинг сувини соғиндим, деб қолди. Шунда бирдан ҳалигача Хоразмни мақташдан, кукларга кўтаришдан бушамаетган тилимни тишлашга мажбур бўлдим. Чунки Юлдузхон ҳақ эди.

Чиндан ҳам бизнинг сувимиз жуда шўр. Шу сабабли ҳам ерларимиз шўрлаб оқариб кетган. Мабодо деҳқончилик қилиб экин-текин экадиган бўлсак, бунга жуда катта куч сарфлашга тўғри келади. Ахир, шўр жойда экин ундиришнинг ўзи буладими? Биз Орол буйи минтақасида яшаётганимиз учун ҳам сувларимиз шўр, ҳаволаримиз жу-

да иссиқ ва оғирдир. Купчилик синфдошларимиз, уртоқларим, дугоналарим тез-тез касал бўлиб туришади. Яқинда бир дугонам оғир дардга дучор бўлиб қолди. Уни Тошкентга текшириб куришса, ошқозонидан усма усиб чиқаётган экан. Уқитувчиларимиз бу офатларнинг ҳаммаси эко-

салликлар купайяпти. Ҳойна-ҳой, бу тузлар яқин орада суви ширин Тошкентга ҳам етиб борса керак. Яқинда Орол ҳавзасидан учган тузларни узоқ Сибирдан, Сибирь далаларидан топишибди, — дейди куйиниб. Мен уқитувчимизнинг айтганлари ҳақида жуда куп уйладим. Оролни аввалги ҳолига қайтариш учун барчамиз бирга курашишимиз керак. Ушандагина табиат олдидаги қилган хатомизни тузата оламыз.

**Қувончой  
КОЗОҚОВА,  
Хоразм  
вилояти  
Шовот  
туманидаги  
Аваз Ўтар  
номли мактаб  
ўқувчиси**

## СУВ ҚАДРИ

Қишлоғимизнинг номи Урмонбек. Бу номни эшитиб кўз олдингизга ям-

яшил дарахтлари шигил усган қишлоқ келса керак. Ҳақиқатан ҳам қишлоғимиз жуда дарахтзор. Ҳавоси тоза. Айниқса баҳор ва ёз ойларида биз томонлар шунақанги чиройли ва гузал буладими, асти қуяверасиз. Ҳаммаси яхшику-я, лекин бизда ичимлик суви танқис. Қишлоғимизни кесиб утувчи ариқ ҳам роса тулиб оқади, лекин уни ичиб бўлмайди. Қишлоқдошларим икки маҳалла наридан ичимлик суви олиб келадиган булишган. Ҳозирча мумкин дир, лекин қишда, йуллар музлаган бир пайтда олисдан сув ташини тасаввур қилиб кури-нга?

Ҳамма нарса инсон учун, унинг саодати учун, дейилган бир пайтда, бу ҳолни қандай тушуниш мумкин? Сахий она табиат узининг бор неъматларини бизга тутиб тураркан, албатта биздан ҳам шунга яраша жавоб кутади. Балки, атроф муҳитни аёвсиз ифлослантганимиз, сувларни ҳуда-беҳудага сарфлаб, беқадр қилганимиз учун ҳам муносиб жазодир бу. Лекин биз шунга қарамасдан, раҳбар амакижонларимиздан соғлигимиз, келажагимиз ҳақида уйлаб куришларини илтимос қилардик. Қанийди шу Урмонбек деган номга яраша ичимлик сувлари яхшиланиб, одамларнинг сувга булган эҳтиёжлари қондирилса... нур устига аъло нур буларди.

**Андижон вилояти  
Балиқчи туманидаги  
5-мактабнинг собиқ  
ўқувчиси НИЛУФАР**

## БУНГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Сиз Тошкентдаги Ганга магазинини яхши биласиз-а? Унинг ёнида сотиладиган мазали тортларни татиб кўрмаган киши кам бўлса керак. Кундан-кун гузаллашиб, чирой очиб бораётган Шайхонтохур тумани 14-марказ мавзеси бугунги кунда шаҳримизнинг энг гузал ва обод жойларига айланди. Лекин бир ойдан буён кузга тушган чўпдек бўлиб метро қаршисида автомобилларни газ билан таъминлайдиган кучма газ колонкаси қайдандир пайдо бўлиб қолган. Узи хон, куланкаси майдон бўлиб қолган бу учарлар қонун-қоида деган нарса борлигини унутиб куйишганов. Чет мамлакатларда ҳатто бир куб метр ҳавони ифлослантгани учун ҳам ҳар қандай шахсдан катта жарима ундириб олинди, жиний жавобгарлика тортилади экан. Қанийди бизда ҳам мана шундай ҳавобузарлар учун шундай қонун чиқса! Қачонгача ҳар куни эрта тонгда яхши кайфиятда уйғонган одамларни бурқсиган газ ҳидлари «кучоқ очиб» кутиб олади?

**Шохдилбек АХМЕДОВ,  
Тошкент шаҳар  
Шайхонтохур тумани  
14-марказ мавзеси**



логиядан, экология узгарганлиги туфайли шунақа касалликлар купайиб кетди. Экологиянинг узгаришига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига эса биринчи уринда биз инсонлар — узимиз айбдоримиз. Олмоқнинг бермоғи борлигини ҳам унутиб куйдик. Табиатни аёвсиз қийнадик. Ундан шафқатсизликларча фойдаландик. У ҳам энди биз очкўз инсонлардан муносиб уч олмоқда. Ана натижада Орол кундан-кунга куриб бормоқда. Денгиз тубидаги тузлар эса шамол, довул ва буронлар оқибатида ҳамма ёққа учиб, атроф-муҳитни ифлослантормоқда. Далаларимиз шўрлаб кетяпти, ҳар хил ка-



Ов мавсуми



## СИЗГА — ОДДИЙ, БИЗГА — АЖОЙИБ...

Мен телевизорда табиати гузал сулим жойларни, зилол сувлари шарқираб оққан дарёларни, хушманзара қишлоқларни кўрганимда жуда яйраб кетаман. Уша жойларга кетгим келиб қолади. Балки сиз бу бола ўзи туғилган жойни ёмон кўраркан-да деб уйларсиз? Йўқ, асло ундай эмас. Мен қишлоғимизни жудаям яхши кўраман. Лекин бизда ҳаволар унақа мусаффо эмас, сувлар ҳам тиниқ ва тоза эмас. Баъзида уйлаб қоламан. Нима, биз қишлоқда яшаётганимиз учун айбдоримизми? Қишлоғимизда тоза ичимлик суви йўқ. Водопровод ҳақида-ку, уйлайвериби- уйлайвериби ҳозир унутиб юборганмиз. Аҳён-аҳёнда туман ва шаҳарга боргач, водопроводни йўл ёқаларида куриб қолсақгина дунёда шунақа гузал ажойиботлар ҳам борлигига амин бўламиз.

Чорзона қишлоғимиз Зарафшон дарёси буйида жойлашган. Шунинг учун ҳам атроф кум ва кум барханлари билан уралган. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳаво шунақа қиздирадики, яна унга атрофдаги кум барханларидан таралаётган аланга ҳам шерик булади. Шундай пайтда муздек сувда чумилиб олмасангиз, бу иссиқда жон сақлаш қийин-ов. Лекин тумандаги вино заводида ишлаётган амакижонларимиз бизга шуни ҳам куп куришди шекилли, бирдан-бир чумиладиган жойимиз булган шу дарёга ҳам заводдан чиқадиган чиқиндиларни ағдарадиган булишибди. Яқинда бир уртоғим касал бўлиб қолди. Врач унга ифлос сув ҳавзасида чумилмасликни жуда тайинлади. Уртоғим бечора эса чумилишни яхши кўрарди. Хуш, энди у тоза сув ҳавзасини қасрдан топсин?

Қадрли «Тонг юлдузи»! Узинг бир қишлоғимизга келиб кет. Шунда биз болаларга қанчалик қийинлигини кўриб кетасан. Хатим босилса, балки раҳбар амакижонларимиз бизлар учун сувлари тоза чиройли чумилиш ҳавзаси кўриб куйишар.

**Фариджон АРСЛОНОВ,  
Бухоро вилояти Жондор  
туманидаги 20- мактаб  
ўқувчиси**



— Минглаб китобхонлар Сизни ажойиб фантастик асарлар муаллифи деб билишади. Ана шу истеъдодли ёзувчи ҳам бир вақтлар хаёлараст бола бўлган, деб ўйлашади. Келинг, болалигингизга сафар қилайлик-да, ёш китобхонларимиз Сизнинг хаёлот оламингиз манбаи қаердалигидан воқиф бўлишсин.

— Киши ёши улгайган сари ўзининг беғубор, безавол, беташвиш болалигини кўпроқ кўмсайдиган бўлиб қоларкан. Айна вақтда, болаликка хос қизиқувчанлик, тиниб-тинчимаслик, изланувчанлик, ҳатто ўйинқароқлик ҳам унинг қалбида бир умр муҳрланиб қоларкан. Баъзи бировлар ўтган болалигини афсуснадомат билан эслашади. Чунки улар умрларининг энг гўзал даврини мактабда илм олишга интимай, кўча чангитиб, беҳуда ўтказишган. Ўтган умрнинг ҳар бир йили, ойи ва ҳар бир соати эса худди оқар сувдек оқиб кетаверади, ортга қайтмайди. Шу маънода мен ўтган болалигимдан афсусланмайман. Илло, мен ҳам болалигимни ўзимга турфатуман юмушлар топиб, тиниб-тинчимай ўтказганман. Мактабда ўқиб юрганымда кашшофлар саройларида айна бир вақтда учта тўгаракка қатнашардим. Тошкентдаги кашшофлар саройида адабиёт ва наққошлик, Шаҳар кашшофлар уйида эса мусиқа (рубоб, чанг чалардим) тўгараклари аъзоси эдим. Бу тўгаракларда ҳафтада икки мартадан машғулотлар ўтказиларди. Ёдимда: мактабдан келишим биланоқ апил-тапил овқатланиб, у ёки бу тўгаракка шошардим. Ўзимдан каттароқ истеъдодли йигитларга (улар мусиқачими, шоирми, рассомми қатъи назар) зўр ҳавас билан қарардим, бор куч-қувватимни уларга ўхшашга ва ҳатто тақлид қилишга сарфлардим. Бувим, ота-онам, акам китобхон, ўқимишли одамлар бўлгани учун уларнинг таъсирида бадиий адабиётга, фантастикага зўр қизиқиш билан қарардим. Ярим тун-

гача китоб ўқирдим. Баъзан онам, сал камроқ ўқи, миянг айниб қолади, деб китобни кўлимдан олиб беркитиб кўярдилар.

Энди ўйласам, мен адабиётга ана шу улкан ҳавас туфайли кириб келган эканман.

— Мактаб ҳаётини қандай эслайсиз?

— Мактаб ҳаётини эзгу ва ёруғ бир туйғу билан эслайман. Мақтаниш эмас-у, лекин бирорта ҳам «тўрт» баҳо олмас эдим. Муаллимлардан кимдир «тўрт» кўяман, деса, синфдошларим ўзла-

ловларда иштирок этар, телевидениега чиқишлар қилардик. Шу тарзда мактабни олтин медаль билан тамомлаганман. Мен бу гапларни мақтаниш учун эмас, (асло) фарзандларимиздан кимдир менга ҳам жиндек ҳавас қилса, олтиндай қимматли вақтларини яхши ўқиш ва эзгу ишларга сарфласа, деган ният билдирияман.

— Болалигингизда бирор мўъжизага дуч келганмисиз?

— Болалигимда мўъжизаларга кўп дуч келганман. Аввало



«юлдуз» оқшом палласида гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ пастга шўнғир, гоҳ айланма шакллар

сал юқоридаги арчазорга тўғри-лаб, тепкини босди. Бир неча фурсатдан сўнг ўта аянчи воқеанинг гувоҳи бўлдим: арслондек «ёнбошлаб ётган» қоя этагидаги кекса арча ёнида она кийик яраланиб, ағдарилиб ётар, унинг тепасида боласи — миттигина кийикча худди фарёд чекаётгандек, унга мунгли тикилиб турарди. Бу манзарани кўриб, беихтиёр кўзларимга ёш келди ва шу-шу бошқа овга чиқмасликка қасам ичдим.

— XXI аср болаларини қандай тасаввур қиласиз?

— XXI аср болалари бутун куч-қувватларини комил инсон бўлишга сарфловчи, билимдон, зукко, инсонпарвар, одамларга фақат яхшилик қилишни ўйлайдиган йигит-қизлар бўлиб етишадилар, деб ўйлайман. Комил инсонлар эса барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, мол-дунёга ружу қўймаган, руҳи Мутлоқ Рухга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим одамлардир. Бундай одамлар жамиятнинг тиррик виждони ҳисобланади. Болаларимизнинг айнан шундай инсонлар бўлиб воёга етишишларини орзу қиламан.

— Шу кунларда қандай асар устида ишляпсиз?

— Фантастик адабиётни кексаю ёш, ҳамма фарзандларимиз севиб ўқишади. Шу маънода мен ҳозир «Туташ оламлар» фантастик романининг иккинчи китобини ёзишга киришдим.

Сухбатдош:  
Дилрабо ДАВЛАТОВА

## ХАЁЛОТДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ...

«Ёзувчи» нашриётининг директори ва «Сирли олам» ойнамасининг бош муҳаррири, таниқли адиб Ҳожиакбар Шайхон билан суҳбат

ри жанжал кўтаришарди. Лекин уй вазифаларини кўпинча уйда бажаришга улгурмай, эртароқ келиб мактабда бажарардим. Юқори синфларда ўқиб юрганымда, мактаб маъмурияти мусиқа тўғари раҳбарлигини менга ишониб топширди. Ҳатто икки йил давомида 60 сўмдан маош ҳам бериб туришди. Мактабда, клубларда ва бошқа жойларда концертлар уюштирар, ҳар хил тан-



кўлимга тушган ҳар бир китобни мўъжиза деб ҳисоблардим. Ўша пайтлардаги «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетаси, «Гулхан» ёки «Гунча» журналларида бирор кичик ҳикоям ёки шеърим босилиб қолса, улар ҳам мен учун мўъжиза туюларди. Ёзги таътил пайтида Бўстонликдаги Нанай, Қорабулоқ қишлоқларидаги кашшофлар оромгоҳида икки-уч ойлаб қолиб кетардик. Оромгоҳ ташкил этилишидан тортиб, охириги гулхангача қатнашардик. Кечкурунлари ўша ерлик одамлар, тарбиячиларимизнинг суҳбатларида қатнашиб, уларнинг фаришталар, сеҳрли илонлар, инс-жинслар ва алвастилар ҳақидаги ҳикояларини бутун вужудим билан берилиб тинглардим.

Улар ўз кўзлари билан кўрганлари ёки ўз бошларидан ўтказган қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида гапиришарди-да. Ўшанда булар афсонами ёки ҳақиқатми — бошим қотарди. Булар ҳам мен учун мўъжиза эди.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирида бир соат мобайнида илк бор номаълум учар жисм (НУЖ)ни кузатганман. Ёп-ёруғ

ясаб, ноҳос олис уфққа қараб интиларди. Бу ҳам чинакам мўъжиза эди, албатта.

— Болалигингизда рўй берган бирор қизиқарли воқеани сўзлаб берсангиз.

— Болалигимда кўп қизиқарли воқеаларнинг гувоҳи бўлганман.

Бўстонликнинг Қорабулоқ қишлоғидаги кашшофлар оромгоҳида дам олаётганимда, оромгоҳ қоровули Турсунбой ака билан илк ва сўнги бор кийик овига чиққанман. Ирим-сиримини қилиб, каллаи саҳарда муздай булоқ сувига чўмилганмиз. Кейин битта ноннинг ярмини еб, ярмини сувга ташлаганмиз. Шундай қилинса, ов бароридан келаркан. Сўнгра Тянь-Шан тоғи тизмаларига кўтарилганмиз. Икки соатдан зиёд йўл босгач, улкан чўққи ёнбошидаги маҳобатли дарада беш-олти кийиклар тўдасининг изларини топдик. Турсунбой ака сой ёқасидан кийикларнинг ахлатини титкилаб кўриб, кўзлари чақнаб кетди.

Улар шу атрофда бўлишлари керак!

Бирдан у олазарак бўлиб, атрофга аланглади-да, қутилмаганда кўшотар милтигининг милини

Шўхлигу инжиқлик, кези келганда бебошлик ҳам болаларга ярашади. Бебош болалигимдаги воқеалардан бирини сизга айтиб берай.

«Оқ бўрилар» киносини мириқиб кўриб, Чингачгуннинг абжирлиги, довиюраклигига қойил қолдим. Ўшанда 6-синфда ўқирдим. Маҳалламиз болаларини йиғдим. Уларга «Оқ бўрилар»даги ролларни бўлиб бердим. Сардора исмли дугонам Над Бумбо бўлди. Салбий ролларни унча таъбим суймайдиган, тўғрироғи «иккичи» синфдошларга ажратдим. Синфбоши бўлганим учун ўзим Чингачгук бўла қолдим.

Қишлоғимиз номи Ўрмонбек бўлиб, унда катта

боғ бўларди. Боғ қоровули Турғунбой ота боққа бесў-



роқ кирган болани албатта ушламай қўймайдиган эпчил одам эди.

Режага кўра, боққа кириб узум ўғирлашимиз лозим эди. Ярим яланғоч танамизни қора куя билан бўядик. Бошимизга, белимизга қа-

мишлар боғлаб, юзимизни биров кўрса кўрқадиган даражада ўзгартардик. Ҳиндулар каби увиллаганча боққа «юриш» бошладик. Қўлга

тушганлар шеригини сотмаслик шарти билан «қизил танли»ларни «жангга» бошладим. Бўлиқ гўзалар ичидан писиб аста-секин боққа етиб келдик. Лекин, бир ёқдан қоровулнинг итидан кўрқиб боққа киролмасак,

### Болалигим-бебошлигим

бир ёқдан гўза ичидаги чивинлар чақа бошлади. Ҳиндулар сардорга, яъни менга қарашди. Кўзни чирт юмиб боққа ўтдим ва узум уза бошладим. Юрагим гурс-гурс уради. Танамдан тер қуйилади. Бир пайт елкам оша кимдир тикилган бўлди. Шундоқ ўгирилиб қарасам, Турғунбой ота. Донг қотиб қолибман. Ота ҳам менга кўзи тушиб ранги оқарди. Тиззаси қалтираб, ерга мук тушди-да, аввал калима қайтаргач, кейин... ура солиб қоча бошлади. Бақир-чақирни эшитиб қизил танлиларнинг ярми тўзиб, қочиб кетибди. Уч-тўртта довиюракларни де-

вор ошиб, ёнимга келганда эсимни йиғиб билдимки, Турғунбой ота йўқ. Уч-тўрт кун ўтгач, қишлоққа Турғунбой отанинг касал бўлиб қолганлиги ҳақида миш-мишлар оралади. Кўрган одамларнинг айтишича, узумзорда унга «шайтон» учраган эмиш...

Шу-шу Турғунбой ота қоровулликдан бўшаб кетди. Ҳозир кексайиб қолган Турғунбой отани кўрсам, ўйинқароқ болалигим учун ҳижолат чекаману, энг завқли дамлар болалик эканига амин бўламан.

Нилуфар ДАВИДОВА

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА  
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора  
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон  
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф  
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ  
Буюртма — Г-0520.  
10960 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30  
Навбатчи муҳаррир Х.Аҳмедова

• Руйхатдан ўтти тартиби  
№ 000137  
• Маъналимиз: 700083,  
• Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кучаси,  
• 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
• 1-33-44-25